

Шерободда “Заковат” интеллектуал ўйинининг ғолиблари аниқланди



Ёшлар маркази биносида сектор раҳбари кубоги учун “Заковат” интеллектуал ўйини ўтказилди. Унда вилоят ИИБ бўлим бошлиғи Ш.Саттаров, 3-сектор раҳбари, туман ИИБ бошлиғи Ў.Шукуров ва Ёшлар ишлари агентлиги масъуллари шунингдек 12 та маҳалладан 100 нафардан ортиқ уюшмаган ёшлар қатнашди. Интеллектуал ўйин якуний натижаларига кўра 1-ўринни Нуртепа маҳалласи жамоаси, 2-ўринни Каттабўғ маҳалласи ёшлари ҳамда 3-ўринни эса Чўйинчи маҳалласи жамоалари эгалладилар. Ғолиб бўлган жамоаларга ташкилотчилар томонидан пул мукофоти ва эсдалик совғалар топширилди.